

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ЯГОНА МАҚСАД, ЮКСАК САЛОҲИЯТ



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ "АБУ-ДАБИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ҲАФТАЛИГИ" САММИТИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

ҚР Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев Бирлашган Араб Амирликларига амалий ташири доирасида "Абу-Дабӣ Барқарор тараққиёт ҳафталиги" саммитида иштирок этди. Жаҳон етакчилари ва экспертлари барқарор тараққиётнинг дунёвий муаммоларини муҳокама қилиш учун йиғилишди.

Саммитда дастлаб ҚР Президенти сўзга чиқди. Қасим-Жумарт Тўқаев бугунги кунда дунё иқлим ўзгариши, курғоқчилик, биохилма-хилликни йўқ қилиш, сув танқислиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги каби долзарб муаммоларга дуч келаётганини таъкидлади. Бу ҳолат геосиёсий таранглик ва таъминот занжирининг узилиши туфайли янада оғирлашди.

Президент Қозоғистон бу муаммоларни учта асосий йўналиш, хусусан, рақамлаштириш ва сунъий заковат, йирик инфратузилмавий лойиҳалар ва атом энергетикасига асосланган стратегия орқали ҳал этиш ниятида эканини маълум қилди.

– Дунё бўйлаб иссиқхона газлари чиқиндиларининг 75 фоизи энергия тизимлари ҳиссасига тўғри келади. Натижада биологик хилма-хилликнинг 10 фоизи йўқолади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Masdar, Total, Eni каби халқаро ҳамкорларнинг Қозоғистонда умумий қуввати 43 ГВт бўлган яшил энергия лойиҳаларини амалга ошириш мажбуриятини олишининг аҳамияти улкан. Мамлакатимизда дастлабки атом электр станциясининг қурилиши маҳаллий энергетика соҳасини барқарор ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлади. Бу ташаббус умум-халқ референдумида қўллаб-қувватланди. Аини пайтда Қозоғистон жаҳон бозорига энг муҳим хомашё турларини етказиб беришга интиломда. Бу материаллар ҳавога чиқариладиган углерод миқдорини камайтириш борасида дунёвий мақсадни амалга ошириш учун жуда зарур, – деди Қасим-Жумарт Тўқаев.

Шундан сўнг Президент транспорт инфратузилмасининг аҳамиятига тўхталди.

– Евроосиё қитъасида етакчи транзит марказига айланган мамлакатимиз учун барқарор тараққиётнинг яна бир муҳим шarti – транспорт-транзит соҳасидир. Биз транспорт инфратузилмасига, хусусан, автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар ва денгиз портлари қурилишига сармоа жалб этишни бошладик. Алоқа имкониятлари доирасини янада кенгайтириш мақсадида Қозоғистон Транскаспий халқаро транспорт йўналиши ва Шимол-Жануб транспорт йўлагини ривожлантириш, шунингдек, "Бир белбоғ – бир йўл" ташаббусида муҳим ўрин эгаллайди. Бизнинг мақсадимиз нафақат минтақалараро алоқаларни мустақамлаш, балки барқарор иқтисодий тараққиётни таъминловчи барқарор таъминот занжирини шакллантиришдир, – деди Давлат раҳбари.

Қасим-Жумарт Тўқаевнинг фикрича, дунёвий исиш Марказий Осиё учун асосий муаммолардан биридир.

– Иссиқлик жараёнининг тезлашиши экотизимлар, аҳоли турмуши ва озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шунинг учун иқлимга мослашиш стратегияси зарур. Шунингдек, минтақамиз трансчегаравий дарёларга ҳам боғлиқ. Шу боис биз эрта оғоҳлантириш тизимини йўлга қўйишимиз, сув ва ердан фойдаланишни яхшилашимиз керак. Шу билан бирга, сувни тежовчи технологияларга сармоа жалб этиш, ирригация тизимларини замонавийлаштириш зарур. Сув захираларини самарали бошқариш юзасидан келишувларга эришиш ва сунъий заковат, сунъий йўлдош мониторинги ва бошқа рақамли воситалардан фойдаланиш яхши самара беради, – деди Қозоғистон Президенти.

Давлат раҳбари озиқ-овқат хавфсизлигига алоҳида тўхталиб, уни кун тартибидидаги долзарб масалалардан бири сифатида қайд этди.

– Жаҳон бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўғитлар билан барқарор таъминлаш учун инновацион ёндашувлар зарур. Қозоғистон халқаро бозорга кўп миқдорда галла ва ун экспорт қилувчи давлат сифатида барқарор қишлоқ хўжалиги усуллари ва технологияларини янада такомиллаштириш ниятида, – деди Президент.

Қасим-Жумарт Тўқаевнинг фикрича, бу муаммолар билан курашиш учун дунёга янги тараққиёт дастури керак. У адолат ва барқарорлик тамойилларига асосланиши даркор. Дунёвий муаммоларни учта муҳим омилга асосланган ягона тизим орқали ҳал қилиш мумкин.

– Биринчи, "яшил" молиялаштириш. Унинг ҳажми сезиларли даражада оширилиши керак. Иккинчидан, технологиялар замонавийлашуви, техник таъминот ва илмий тадқиқотлар соҳасида халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш. Қуёш энергияси, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, углерод филтрлари ва сунъий заковатга асосланган иқлим технологиялари турли инновацион ечимларни таклиф этади. Учинчидан, иқлим ўзгаришига қарши кураш, иқтисодий тараққиёт ва сунъий заковат устуворликларининг уйғунлиги. 2030 йилга бориб, жаҳон ички ялпи маҳсулотининг 16 фоиздан ортиги ушбу уч йўналиш ҳисобига таъминланиши мумкин. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, давлатлар барқарор тараққиёт соҳасида турли мақсадларга нисбатан энг мослашувчан ва мустақил ёндашувни қўлагани маъқул, – деди Давлат раҳбари.

Президент нутқи якунида мазкур саммит келгуси ўн йилликлар учун барқарор тараққиёт соҳасидаги устувор йўналишларни белгилаш ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим майдонга айланишини таъкидлади.

Саммитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Руанда Президенти Поль Кагаме, Финляндия Бош вазири Петтери Орпо, Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим, Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи президенти Разан Ал Муборак ва бошқалар сўзга чиқди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ҲАФТАЛИГИ



Президент Қасим-Жумарт Тўқаев "Абу-Дабӣ барқарор тараққиёт ҳафталиги" халқаро саммитининг очилиш маросимида ҳамда барқарор ривожланиш соҳасида Шайх Зоид номидаги мукофотни топшириш маросимида иштирок этди.

Тадбирда амирликлар Президенти Шайх Мухаммад ал Наҳаён, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳим, Нигерия Президенти Бола Тинубу, Руанда Президенти Пол Кагаме, Сейшел ороллари Пре-

зиденти Уовел Рамкалаван, Уганда Президенти Йовери Мусевени ҳамда бошқа хорижий давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари ҳам қатнашди.

Абу-Дабӣ барқарор тараққиёт ҳафталиги – бу 2008 йилда БАА ҳукумати ва Masdar компанияси томонидан барқарор тараққиёт

соҳасидаги дунёвий муаммоларни ҳал этиш учун ташкил этилган халқаро майдондир.

Анжуманнинг мақсади – жаҳонда барқарор тараққиётни жадаллаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва экологик тараққиётга кўмаклашиш, озиқ-овқат ва сув хавфсизлигини таъминлаш, энергия тежамкорлиги ва карбонсизлантиришни илгари суришдан иборат.

Бу галги саммит кун тартибига "яшил" иқтисодиёт соҳасида барқарор тараққиётни таъминлаш, инновациялар ва янги техноло-

гияларни жорий этиш, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича минтақавий ҳамкорликини мустақамлаш масалалари киритилди.

Тадбир доирасида амирликлар асосчиси – марҳум Шайх Зоид ал Наҳаён номи билан аталувчи барқарор тараққиёт соҳасидаги ютуқлар учун мукофот билан тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

70 МИНГ ГЕКТАРДАН ЗИЁД ЕР ДАВЛАТГА ҚАЙТАРИЛДИ

Вилоятимизда фойдаланилмаётган 70 минг гектардан зиёд қишлоқ хўжалиги ерлари давлатга қайтарилди. Вилоятда умумий яйловларни давлатга қайтариш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилишда бу борадаги масалалар муҳокама қилинди. Минтақа раҳбари Нуралхан Кўшеров яйловларни давлат тасарруфига қайтариш тадбирларини қучайтириш юзасидан топшириқ берди.



Аҳолини яйловлар билан таъминлаш масаласи ҚР Президентининг яйловларни қишлоқ аҳолисига қайтариш тўғрисидаги фармойиши доирасида амалга оширилмоқда. Яйловларнинг тақчиллиги муаммосини ҳал этиш асосий вазифадир.

– Президентимизнинг яйловларни аҳолига қайтариш тўғрисидаги фармойиши доирасида аҳолини ўтлоқлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар

олиб борилмоқда. Туман ва шаҳарлар ҳокимлари мутасадди бошқармалар билан биргаликда бу борадаги ишларни янада қучайтириши зарур. Бошқа мақсадларда фойдаланилаётган ерларни қайтариш тизимли равишда амалга оширилиши зарур. Фазовий мониторинг натижаларини ўрганиб, таҳлил қилиш керак. Аҳоли ўртасида мониторинг, илмий-тадқиқот ва тушунтириш ишлари тўхтамаслиги керак, – деди Нуралхан Кўшеров.

Йиғилишда вилоят ер муносабатлари бошқармаси бошлиги Ерғали Тилегеннинг ҳисоботи тинланди. Унга кўра, вилоятнинг умумий ер жамғармаси 11

миллион 610,3 минг гектарни ташкил этади. Фойдаланилмаётган қишлоқ хўжалиги ерларини ва ноқонуний фойдаланилаётган ер участкаларини давлатга қайтариш учун вилоят ҳокимининг фармойиши билан идораларо ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланди. Аини пайтда 70,9 минг гектар ер қайтарилди.

2023 йил бошида вилоятда яйловлар танқислиги 2122,2 минг гектарни ташкил қилди. Амалга оширилган тадбирлар туфайли яйловлар танқислиги 2024 йилда 608 минг гектарга қисқарди.

Вилоят ҳокимининг маъбуот хизмати.



Балли, Анастасия!

Қозоғистон терма жамоаси аъзоси Анастасия Городко Италиянинг Турин шаҳрида ўтаётган қишки Универсиадада фристайл моголдан олтин медални қўлга киритди.

Биринчи ўринни эгаллаб, финалга чиққан А. Городко энг юқори балл (79,79) билан шохсупага кўтарилди. Япониялик Харука Накао 76,29 балл билан кумуш медални қўлга киритди. Кучли

учликка германиялик Ханна Вессе (75,04 балл) якун ясади. Аяулим Амренова 70,52 балл билан бешинчи ўринни эгаллади.

Универсиадада галаба қозонган А. Городко Қозо-

ғистон терма жамоаси аъзоси Анастасия Городко олтин медал билан бойитди.

Olympic.kz. маълумотлари асосида.



Вилоят ҳокимининг ўринбосари Нурбўл Турашбеков ўзи масъул соҳа раҳбарлари билан мажлис ўтказиб, ҳафтада бажариладиган вазибаларини белгилади. Қишлоқ хўжалиги бошқармасига туман-шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда субсидия йўналишларидаги ўзгаришлар, янги технологиялар жалб этишининг афзалликлари юзасидан хўжаликлар ўртасида тарғибот ишларини фаоллаштиришни топширди.

2024 йил натижаларига кўра, вилоятда ташкил этилган ширкатлар сони 62та. Унинг 37таси молиялаштирилиб, натижада 23та ширкат хизмат кўрсатиш учун техникалар харид қилди, 14та ширкат қайта ишлаш цехларини очди. 148 фуқаро доимий иш билан таъминланди. “Қишлоқ омонати” лойиҳасини кооперацияга йўналтириш иши жорий йилда ҳам давом этди.

2025 йилга мўлжалланган режага эътибор қаратган Нурбўл Турашбеков: “Тахмин қилинаётган кўрсаткичлар марра

БИР ЙИЛДА 62та ШИРКАТ



деб қабул қилинмасин. Ишни тўғри мувофиқлаштириб, барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда, юксак натижага эришиш мумкин. Имкониятларни чекламанг. Баҳорги дала ишлари бошлангунга қадар хўжаликлар ва деҳқонларга давлат дастурлари бўйича кўпроқ ахборот бериб, тарғибот ишларини йўлга қўйинглар, қо-

нунийлиги юзасидан ҳуқуқий маълумотлар тайёрланглар”, деди.

Мажлис давомида, шунингдек, бошқармалардаги ижровий интизом масаласи кўтарилди, баённомаларда белгиланган вазибаларнинг ҳисоботи тинланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



МЕКЕМТАС МИРЗАХМЕТУЛИ

Республика аҳли, зиёлилар оғир жудолликка учради. 2025 йил 11 январда 95 ёши-ни қарши олиш арафасида Давлат мукофоти лауреати, абайшунос, фалсафа фанлари доктори, профессор, “Туркий оламга кўрсатган хизмати учун” халқаро мукофоти соҳиби Мекемтас МИРЗАХМЕТУЛИ вафот этди.

Мекемтас Мирзахметули 1930 йил 9 май куни Туркистон вилояти, Тулкибош туманининг Майтўбе овулида туғилган.

1953 йили Абай номидаги Қозоқ педагогика институтининг филология факультетини тахсил олиб, 1964 йили аспирантуранга таъминланган.

Меҳнат фаолиятини 1953 йили Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг кафедра мудири сифатида бошлаган. 1961 йилгача мазкур институтда декан, проректор вазибаларида фаолият юритди. 1969-1975 йилларда Қозоқ педагогика институтининг доцент бўлган. 1975-1991 йилларда Қозоғистон Фанлар Академияси М. Аюезов номидаги Адабиёт ва санъат институтида илмий ходим, абайшунослик бўлими мудири вазибаларини бажарди.

1991-2000 йилларда Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетининг кафедра мудири, Яссавий илмий лабораторияси мудири, адабиёт ва этнофилология илмий-таҳлил маркази директори вазибаларини шараф билан адо этди.

2002-2003 йиллари Туркшунослик илмий-таҳлил институти директори лавозимида фаолият юритди.

2000 йилдан М. Х. Дулатий номидаги Тараз университетининг қозоқ адабиёти кафедраси мудири ва “Туркий халқлар адабиёти тарихи” илмий-таҳлил маркази директори, “Бауржаншунослик” илмий-таҳлил марказининг бош илмий ходими вазибаларида иш юритди.

Мекемтас Мирзахметулининг миллий илм-фанга қўшган ҳиссаси учун “Қўрмет”, “Парасат”, I даражали “Барыс” ордени билан тақдирланган.

Туркистон ва Жамбил вилоятларининг Фахрий фуқароси. Олим, абайшунос, ёшларга устоз бўлган кадрли оғамизнинг хотираси халқимиз ёдида мангу сақланади.

Мекемтас Мирзахметулининг вафоти муносабати билан оила-аъзолари, қариндош-уруғлари ва вилоят аҳлига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изхор этамиз.

Н. КҶШЕРОВ, Н. АБИШ, З. ЖҶЛДАСОВ, Е. АЛТАЕВ, Б. ТАЖИБАЕВ, Н. ТУРАШБЕКОВ, Е. ДАУИЛБАЕВ, А. УМБЕТАЛИЕВ, Ж. МАУЛЕНҚУЛОВ, Б. ЖИЛҚИШИЕВ, А. ЕСТИБАЕВ.



МАҚСАД – ЭЛ БИРЛИГИНИ МУСТАҚАМЛАШ



Туркистон шаҳридаги “Дўстлик уйи”да вилоят ЎЭМБ кенгаш аъзолари иштирокида ҳайъат мажлиси ўтди. Тадбирни вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги Оқсоқоллар кенгаши раиси Зуппархон Чолдонов олиб борди.

Кун тартибига кўра, мажлисда ҚХАнинг 30 йиллиги, Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги, Давлат раҳбарининг “Ана тили” газетасига берган мусохабаси, 1 Март – Шукрона кунига тайёргарлик ҳамда дастлабки ярим йиллик тадбир режасига доир масалалар муҳокама қилинди.

Дастлаб, кенгаш аъзолари ўтган йили вилоят марказида фойдаланишга топширилган “Дўстлик уйи” фаолияти билан танишишди.

Тадбирда Давлат раҳбарининг “Ана тили” газетасига берган мусохабаси бўйича вилоят ЎЭМБ раиси ўринбосари Бахтёр Шомуродов сўзга чиқиб, Президент белгиланган асосий устувор вазибалар, яъни, минтақаларни тараққий эттириш йўналишлари, фуқароларнинг ўртача умр кўриш давомийлигини ошириш ҳамда иқтисодиётни рағбатлантириш каби асосий мавзуларга

алоҳида тўхталиди. Шунингдек, бирлашма раисининг ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Санобар Самиева мей-ёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янгилаш масалаларини тилга олди.

Туркистон шаҳар ЎЭМБ раиси Райимжон Қўчқоров ташаббуси билан ташкил этилган “Ҳалқ” хайрия жамғармасининг фаолияти ҳамда келгуси режалари ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, давлат тили нуфузини ошириш, тўй-ҳашамларда исрофгарчиликнинг олдини олиш, ёш оилаларнинг бузилишига йўл қўймаслик ҳамда маънавий қадриятларимиз – тил, маданият ва анъаналарни асраб-авайлаш масалалари айtilди.

Кенгаш аъзолари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар инobatга олиниб, бу борада “Бир ёқа-



дан бош чиқариб, иш юритиш” зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, тадбирда “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси бош муҳаррири Райимжон Алибоев 34 йилдан буён муштарийлар қалбидан жой олиб, эл бирлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлида фаолият юритаётган нашрнинг ўқувчилари ва жонқуярларига миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, у ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувликни асраб-авайлаш йўлида этномаданият бирлашмалари вакилларининг ижтимоий тармоқлардаги фаоллигини жонлантириш зарурлигига эътибор қаратди.

Учрашувда вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси “Жамоат тотувлиги” ДКК раҳбари ўринбосари Ерназар Баевтов ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида амалга оширилган тадбирларни юксак савияда ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

Тадбир якунида вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида самарали ишлар давом эттирилишига ишонч билдирди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

ЧАВАНДОЗЛАРГА ЭҶТИРОМ

Қазигурт туман “Миллий от спорти” ташкилоти ҳамда “Кўпқари федерацияси” жамоат бирлашмаси ташаббуси билан “Қазигурт пойида” мавзусида байрам тадбири ўтди.



Унда туман ҳокими ўринбосарлари М. Аширбаев, Н. Медеуов, фахрийлар кенгаши раиси А. Ҷмаров, “AMANAT” партияси Қазигурт туман бўлими раиси Е. Исақулов, маданият, тилларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт бўлими раҳбари А. Серкебаев, маслаҳат депутатлари М. Мауленов, Н. Айтмурзаев, Кўпқари федерацияси раиси ўринбосари Б. Мазеевлар иштирок этиб, жамоавий кўпқарида маҳорат кўрсатган чавандозларга кўрақ нишони, “Энг яхши от соҳиби”, “Энг яхши от”, “Энг яхши чавандозлар”, “Энг яхши бошловчи-шаҳрловчи”, “Энг яхши ҳакамлар ҳайъати”, “Кўпқари жонқуяри” номинацияларини топширишди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҶАТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!

Туркистон вилоят маслаҳати “Жамоат кенгашлари тўғрисида”-ги Қозоғистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Туркистон вилояти Жамоат кенгашининг таркибини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳининг аъзоларини саралаш юзасидан танлов ўтказилишини маълум қилади.

Жамоат кенгашини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳининг таркиби давлат идоралари ходимлари орасидан ва танлов асосида нотижорат ташкилот вакиллари, оддий фуқаролар орасидан шакллантирилади.

Танловда иштирок этишни истаган фуқаролар, нотижорат ташкилот вакиллари 2025 йил 15 январдан бошлаб куйидаги ҳужжатларни Туркистон вилоят маслаҳати девонига – Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-кўча, 18-бинога шахсан топширади ёки maslihat.uko@yandex.kz электрон почтасига йўллайди:

1) номзодни ишчи гуруҳининг таркибига тавсия қилиш тўғрисида нотижорат ташкилотнинг ёзма аризаси ёки фуқаронинг аризаси;

2) таржимаи ҳоли, номзоднинг касбий ва жамоат ишларидаги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;

3) судланган ёки судланмаганиги тўғрисидаги маълумотнома;

4) руҳий, хулқ-аъвори, жумладан, руҳий фаолликка таъсир кўрсатадиган воситаларни истеъмолига алоқадор касалликлар бор-йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома;

5) номзод тўғрисидаги маълумотларни тўплашга розилиги.

Тавсияларни қабул қилиш мuddати – 5 иш кунини ташкил қилади.

Тавсиялар қоғоз шаклида: иш кунлари – душанба-жума кунлари оралиғида соат 19.00гача (тушки танаффус – 13.00дан 15.00гача) қабул қилинади.

АБИШОВ Нурали Алмаханули – Туркистон вилоят маслаҳати раиси.

Маслаҳат манзили: индекс 161200, Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-кўча, 18-бино.

Масъул шахс – АЛИЕВ Еркеғали, шаҳарлараро код (872533), иш телефони рақамлари: 59-615, +7 701 736 36 10, электрон почта: maslihat.uko@yandex.kz.

Туркистон вилоят маслаҳати.

Қоғамдық кеңес туралы үлгілік ережеге 1-қосымша Нысан

Кімге _____
(республикалық деңгейде мемлекеттік органның атауы немесе жергілікті өкілді органның атауы)

тұратын
(елді мекен, көше, үй, пәтер)
кімнен _____

(өтініш берушінің аты, жөні,тегі (бар болған жағдайда), жеке куәлік № _____, берілді (қашан, кім))

Өтініш

Қоғамдық кеңесті қалыптастыру жөніндегі жұмыс тобының құрамына енгізу үшін өз кандидатурамды ұсынамын.

Мен осы өтініш арқылы «Қоғамдық кеңестер туралы» 2015 жылғы 2 қарашадағы Қазақстан Республикасы Заңының ережелерімен танысқанымды растаймын және оның талаптарын сақтауға міндеттенемін.

Мынадай құжаттарды қоса беремін:

1) _____
2) _____
3) _____
4) _____
5) _____
6) _____
7) _____
20__ жылғы «__»
Өтініш берушінің қолы _____

“Жамоат кенгаши тўғрисидаги намунавий қойдан тасдиқлаш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Ахборот ва ижтимоий тараққиёт вазирининг 2021 йил 26 февралдаги 69-сонли Буйруғининг 10-бандига мувофиқ, Туркистон вилоятининг Жамоат кенгашини шакллантириш бўйича ишчи гуруҳининг аъзоларини саралаш танловида кузатувчи сифатида қатнашиш истагини билдирган фуқаролар 2025 йил 15 январдан эътиборан беш иш кунини ичиде ушбу маълумотномага илова сифатида ариза ва Қозогистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхасини Туркистон вилоят маслаҳати девонига, Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-кўча, 18-бинога шахсан топширади ёки maslihat.uko@yandex.kz электрон почтасига йўллайди.

Таклифлар қоғоз шаклида: иш кунлари – душанба-жума кунлари оралиғида соат 9.00дан 19.00гача (тушки танаффус соат 13.00дан 15.00гача) қабул қилинади.

АБИШОВ Нурали Алмаханули – Туркистон вилоят маслаҳати раиси. Маслаҳат манзили: индекс 161200, Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-кўча, 18-бино.

Масъул шахс – АЛИЕВ Еркеғали, шаҳарлараро код (872533), иш телефони рақамлари: 59-615, +7 701 736 36 10, электрон почта: maslihat.uko@yandex.kz.

Туркистон вилоят маслаҳати.

Қоғамдық кеңес туралы үлгілік ережеге 2-қосымша Нысан

Кімге _____
(республикалық деңгейде мемлекеттік органның атауы немесе жергілікті өкілді органның атауы)

тұратын
(елді мекен, көше, үй, пәтер)
кімнен _____

(өтініш берушінің аты, жөні,тегі (бар болған жағдайда), жеке куәлік № _____, берілді (қашан, кім))

Өтініш

Қоғамдық кеңесті қалыптастыру жөніндегі жұмыс тобының мүшелерін іріктеу бойынша конкурсақ байқаушы ретінде енгізу үшін өз кандидатурамды ұсынамын.

Мынадай құжаттарды қоса беремін:

1) _____
2) _____
3) _____
4) _____
5) _____
6) _____
7) _____
20__ жылғы «__»
Өтініш берушінің қолы _____

»» Обуначиларимиз орасида

УСТОЗ, РАИС ВА УСТА

САВРОН ТУМАНИ УЧҚАЙИҚ ҚИШЛОҚ ЎЭМБ РАИСИ АБДУЛЛА РАСУЛОВ
ТАВАЛЛУДИГА 70 ЙИЛ

... 1955 йили собиқ Туркистон туманига қарашли Така қишлоғидаги Раҳим Расул ўғли ва Ҳафиза Абдуразақ қизи хонадонидан туғилган чақалоққа мунаввар ниётлар билан Абдулла деб исм қўйишди. Пир бадавлат улкан хонадонда опа ва ука-сингиллари Махтуба, Абдумуталлиб, Анвар, Аҳмаджон, Отабек, Муқаддас ва Бахтиёрлар билан ўсиб, камол топди. Қишлоқдаги Крупская номли мактабда Зайниддин Қулаҳмедов, Абдувоҳид Каримов каби заҳматқаш устозлардан таълим-тарбия олди. Мактабдан сўнг, Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги педагогика институтининг тарих факультетини тамомлади. Меҳнат фаолиятини шу шаҳардаги 83-сонли хунар-техника билим юртида бошлаб, бошланғич комсомол кўмитаси котиби ва-



“Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига жалб этишдаги ҳолис хизматлари учун тахрират тавсияси билан “Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси” унвони билан мукофотланган. Туркистон шаҳридаги “Юлдуз” туйхонасида Абдулла Расулловнинг 70 йиллик юбилеи муносабати билан фарзандлари элга шукрона дастурхонини ёзиб, ош берди. Тадбирда ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Дўстлик” медали, тўн ҳамда

дин Фахриддинов, Мирзахон Адхамов, шоирлар Почтахон Бобононов, Айниддин Абубакиров ҳамда Файзулла Мирзахмедовлар, кадрон қудалар ва дўстлар самимий тилакларини изҳор этишди. Абдулла Расуллов моҳир хатна устаси сифатида нафақат вилоят, балки, республика миқёсида танилган. Тўрт йил муқаддам фаол обуначимиз, ҳидоят илмининг раҳнамоси Рўзимат хожи Камолов етакчилигида муборак ҳаж сафарига борганида ҳам Макка ва Мадина шаҳарларида маҳаллий тadbirkorлар таклифига биноан болаларни хатна қилганлиги ҳам шонли тарих. Тадбир поёнида Жумадулла хожи Абенов ўтганлар руҳига бағишлаб Куръон тиловат қилди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: А. Расуллов оила-аъзолари даврасида; Саврон тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Хуррият Абутолипов юбиларга “Дўстлик” медалини тақдим этиб, кифтига тўн ёпди; фахрий отахон Жаъфар Исмаилов юбиларга холис ниётларини изҳор этиб, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ташаккурномасини тақдим этди.

Муаллиф суратга олган.

зифасини ҳам бирга адо этди. Ҳарбий бурчини Боку шаҳридаги автобатальонда диспетчер бўлиб, ёруғ юз ила ўтади.

Туркистон шаҳридаги нуфузли таълим даргоҳи – кўшни Ўзбекистон ва Туркменистондан ҳам талабалар келиб, тахсил оладиган индустриал-педагогика техникумида тарих фани ўқитувчиси ҳамда комсомол кўмитаси раиси сифатида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Кадрон қишлоғидаги мактаб директори Дадахон Турсунметовнинг таклифи билан 1981 йилдан А. Усенов номли мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Умр йўлдоши, жамоа ҳўжалигида хисобчи бўлиб меҳнат қилган Турдихон Ҳақимжон қизи билан қобил фарзандлар Ёқубжон, Толибжон, Орифжон, Собиржон, Олимжонларни тарбиялади. Улар турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда, олий маълумотли мутахассислар.

Ёзишдан ўзимиз йўқ. 57 йил умр кўрган марҳума Турдихон Ҳақимжон қизи ҳамда аждодларининг охиратлари обод бўлсин. Авл уйининг чироғи. Бу



муқаддас вазифани Абдулла Раҳим ўғлининг рафиқаси Дилбар Озодберган қизи адо этмоқда. Уларнинг фарзанди Умида вилоят перинатал марказида ҳамшира.

Абдулла Раҳим ўғли кўп йиллар Учқайиқ қишлоқ УЭМБ раиси сифатида жамоат вазифасини бажариб, тинчлик, тотувлик, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. А. Усенов номли мактаб муаллими Тўлқин Жиянбоев билан ҳамкорликда ўқитувчилар ва қишлоқдаги меҳнат фахрийларини

вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ва “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти ташаккурномаларини Саврон тумани УЭМБ раиси ўринбосари, ҚР фахрий фуқароси Хуррият Абутолипов, фаол обуначиларимиз Жаъфар Исмаилов, Қодир Аҳмедовлар тантанали равишда тақдим этишди. Фаоллардан Обид-

P.S. “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти фаол обуначимиз, устоз, раис ва хатна устаси Абдулла Расулловни таваллуд шодийнаси ила муборакбод этиб, саломатлик, саодат, зафарлар ёр бўлишини ва барча эзу ниётлар ижобатини тилайди.

Машҳур қозақ ёзувчиси ва драматурги Сабит Дўсанов ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўлган бўларди. Қозоғистон Республикаси Давлат мукофоти ва Шолохов номидаги халқаро мукофот лауреати қозақ адабиётининг тикланишига улкан ҳисса қўшган.

Тўлебий тумани, Сарқирама қишлоғи кутубхонасида Сабит Дўсанов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан унинг ижодига бағишланган кўргазма очилди. Бу ерда унинг кўплаб асарлари китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

– У оддий ёзувчи эмас, кучли драматург эди. Унинг асарлари театр режиссёрлари ва томошабинлар орасида жуда машҳур, китоблари асосида эса кино ва спектакллар сахналаштирилган. Кўргазмаимиз ёзувчи ижодига бағишланган. Сабит Дўсановнинг асосий асари, шубҳасиз, “XX аср” романи. Бу ўтган асрнинг йилномаси бўлиб, унда бир неча авлод оилаларининг тақдирини бир-бирига боғланган. Бир мусоҳабасида ёзувчи романи яратиш учун 20 йилга яқин вақт кетганини айтиб, унинг давоми устида ишлаётганини айтган эди. Китобда 120 йил давомида содир бўлган воқеалар тасвирланган. Унинг фаолияти халқларни бирлаштиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам ҳикоялари, қисса ва романлари доимо долзарб бўлиб келган, – деди кутубхоначи А. Уразимбетова.

Аммо унинг энг муҳим асари, албатта, рус ва қозақ оилаларининг бир неча авлодлари тақдирини орқали ўтган асрнинг бадиий йилномаси баён этилган тўрт жиллик “XX аср” асаридир.

О. РАҲИМҒОЗИЕВ.

АДАБИЁТ ФИДОЙИЛАРИ
БИЛАН БАРҲАЁТАДАБИЙ КЕЧА ЁЗУВЧИ САБИТ ДЎСАНОВ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИДиректор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазжон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Кентов, Сўзақ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҰМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Сарюгоҳ – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.
«Фондациямиздан мақолаларга ёзма жавоб кайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ0022503 сувоҳнома берилган.

«EPRNUR» JSC МББ Ўзбекистонда чол этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилди.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11700 нуска.

Биринчи рақ.

Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОВА.

»» 2025 йил – Ишчи касблар йили

МЕҲНАТ
УЛУҒЛАНАЁТГАН
ЮРТ

Ҳалол меҳнати билан кадр топаётган инсонлардан бири Ирисмат Бобоев Ёрғолиқ қишлоғида туғилган, ўрта мактабни, сўнг тиббиёт билим юртини тамомлаб, Совет Армияси сафида хизмат қилди. Бухгалтерлар билим юртини тамомлаб, меҳнат фаолиятини 1-Мамир қишлоқ матлубот жамиятида сотувчи сифатида бошлаган. Сиртдан Савдо техникумини тамомлаб, туман матлубот жамиятида экспедитор бўлиб меҳнат қилди. Чорак аср савдо соҳасида ишлаб, нафақага чиқди.

Умр йўлдоши Зоҳида билан муносиб фарзандлар – Дилшод, Бекзод, Сайёд, Шаҳбозларни тарбиялаб, вояга етказишди. Улар ҳаётда ўз ўрнини топишган, бугунги кунда элда ҳалол меҳнати билан эътибор толган инсонлар.

– Президентимизнинг ташаббуси билан жорий йил “Ишчи касблар йили” деб эълон қилинди. Бу йилни том маънода меҳнатни улуғлаш йили, десак, муболага бўлмайди. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларингизни баён этсангиз.

– Юртимизда мустақиллик йилларининг ҳар бир йилида кенг қамровли ислохотлар давом этмоқда ва унутилмас воқеалар, бунёдкорликлар, янгиланишлар юз бермоқда. Булар ҳар бир юрдошим каби меннинг ҳам қалбимни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда. Ҳа, биз улкан муваффақиятларга Давлат раҳбарининг эзгу ташаббусларию, дастурий таъминларини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этаётганимиз учун эришмоқдамиз. Утган йиллардаги ислохотларнинг аксарияти “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун” деган тамойилга асосланиб, ҳалол меҳнат қилган ҳамкасбларим, юрдошларим кадр-қиммати улуғланганига гувоҳ бўлдим.

Юртбошимизнинг Қозоғистонда “Ишчи касблар йили”ни эълон қилгани мамлакатимизда ҳалол меҳнатни улуғлаш даврини бошлаб беради. Қишлоқлар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Узимизга «Давлат бизга нима берди?», деган саволни эмас, «Биз давлатга нима бердик», деган саволни қўйиш вақти келди.

Шундай юртда меҳнат қилиш, унинг дунё миқёсидаги ютуқларини кўриб қувониб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни жадаллаштириш ва унинг шон-шухратини юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшишдек бахт фарзандларимиз тақдирига ёзилганидан Яратганга шукроналар келтираман. Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев «Бизнинг энг катта бойлигимиз – юртимизнинг осойишталиги, тинчлиги элининг ҳамжихатлиги. Мамлакатимизнинг шу бебаҳо бойлигини авайлаб-асраш учун ҳар биримиз ҳар куни фидокорона ўқишимиз, ишлашимиз, изланишимиз, яратишимиз керак» деган сўзлари ҳар бир қозоғистонликда фахр ҳиссини

уйғотади. Юртимизнинг тинч-фаровон бўлиши барчанинг эзгу тилаги. Истиклол шарофати туйғули қишлоқларимиз обод бўлиб бораётганидан, ёшларимизнинг фойдали иш билан бандлигидан, замонавий технологияларни юртини тамомлаб, хонадонларимиз тинч-тотувлигидан хурсандман. Шу ишларда озми-кўпми ҳиссам борлигидан фахрланаман. Юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик, яратувчанликлардан кўнгилм оройиш топади. Чунки оиланинг, маҳалланинг фаровонлиги юртимиз, юрдошларим эришаётган муваффақиятларга боғлиқ.

– Хабарингиз бор, Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев «Ана тили» газетасига мусоҳабасида мамлакатимизда малакали мутахассисларга муҳтож соҳалар кўплигини, Хукуматнинг вазифаси уларнинг муваффақиятли меҳнат қилиши учун шариот яратиш эканлигини таъкидлади. Яъни, мусоҳабда меҳнат аҳлига эътибор ва уларнинг масъулияти борасида мулоҳаза юритилди.

– Эътибор ва масъулиятда гап кўп экан. Негаки, у ўз манфаатларимизни жамият манфаатлари билан бирлаштиришга чорлар экан. Ҳозирда ўша истиқболли томиримизга солган қишлоғим қалби билан яшайман. Сизу биз Истиклол учун нақадар керак эканлигини ҳис этипман. Президентимизнинг ушбу мусоҳабасини диққат билан ўқиб чиқдим. У – долзарб эканлигини таъкидлаш жоиз. Мен Юртбошимизнинг бу ташаббусини кучли фуқаролик жамияти сари демократик ислохотлар учун яна бир дадил қадам, деб баҳолайман. Мана шу демократик ислохотлар туйғули давлатимиз жаҳон иқтисоди инқирозга учраган пайтда ҳам халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтирилган кенг қамровли ишлар олиб бормоқда, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жаҳалардаги ўзгаришлар инobatга олинган ҳолда босқичма-босқич, изчил меҳнатга оширилмоқда. Мазкур ташаббуснинг амалга оширилиши мамлакатимиз олдига турган муҳим вазифа – дунёнинг 30 ривожланган демократик давлатлари қаторидан жой олишда асос бўлиб хизмат қилади.

– «Жанубий Қозоғистон» газетасининг муштариларига тилакларингиз...

– Севимли нашримизга обун бўлиб, қўллаб-қувватлаётган барча ҳамюртларимизга сиҳат-саломатлик тилайман. Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саҳоватли заминимизда яшаётган ҳар бир инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.

А. АБДУФАТТОҲ.